

**ТУРК ВА ЎЗБЕК ДРАМАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ**  
**(Ҳалдун Танер, Асқад Мухтор ва Ўлмас Умарбеков драмалари мисолида)**  
**Мехринисо Мирахматовна КАЮМОВА**

Катта ўқитувчи

Тошкент давлат шарқшунослик университети, Тошкент, Ўзбекистон

**СРАВНИТЕЛЬНОЕ ИЗУЧЕНИЕ ТУРЕЦКОЙ И УЗБЕКСКОЙ ДРАМЫ**  
**(на примере драматических произведений Халдуна Танера, Аскада**  
**Мухтара и Улмаса Умарбекова)**  
**Мехринисо Мирахматовна КАЮМОВА**

Старший преподаватель

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

**COMPARATIVE STUDY OF TURKISH AND UZBEK DRAMA**  
**(on the example of the dramas of Khaldun Taner, Askad Mukhtor and Ulmas**  
**Umarbekov)**

**Mekhriniso Mirakhmatovna KAYUMOVA**

Senior Teacher

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

UDC (УЎК, УДК):82.091: 82-  
21:821.512.133:821.512.161

**For citation (иқтибос келтириш учун,  
для цитирования):**

Каюмова М.М. Турк ва ўзбек драмаларининг  
қиёсий тадқиқи (Ҳалдун Танер, Асқад Мухтор ва  
Ўлмас Умарбеков драмалари мисолида)  
//Ўзбекистонда хорижий тиллар.— 2021.—

№ 4 (39).— Б. 143-154..

<https://doi.org/10.36078/1634116140>

**Received:** June 30, 2021

**Accepted:** August 17, 2021

**Published:** August 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons  
Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



**Аннотация.**Мазкур маколада турк ва ўзбек адабиётининг ёрқин  
намояндлари Ҳалдун Танер ва Асқад Мухтор, Ўлмас  
Умарбековнинг драматик асарлари қиёсий аспектда тадқиқ  
этилди. Драматургларнинг ижод йўли ҳақида ҳам қисқача  
маълумот берилди, уларнинг жанрдаги маҳорати асарлари  
таҳлилида очиб берилди. Ҳалдун Танернинг “Кун одами”  
("Günün Adımı"), “Кўзларимни юмиб, вазифамни адо этаман”  
("Gözlerimi Kaparım, Vazifemi Yaparım"), “Тегирмон ҳамон  
айланар эди” (“Ve Değirmen Dönerdi”), “Ташқаридагилар”  
("Dışarıdakiler") сингари драмалари Асқад Мухторнинг  
“Самандар”, Ўлмас Умарбековнинг “Суд” номли драмалари  
билин қиёсланиб, муштарак жиҳатлари умумлаштирилди.  
Драмалардаги образлар олами, персонажлар характеристидаги  
хусусиятлар ва сюжет воқеаларидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар  
үрганилди. Маколада ўзбек ва турк адабиётида акс этган турли  
мавзулар, кўтарилиган ижтимоий муаммолар, инсон қалбидаги  
кечинмалар, ҳалқ ҳаётидаги ижтимоий-маданий жараёнлар  
иккала миллатда ҳам муштараклиги таҳлил этилди. Чунки  
иккала ҳалқ маданияти, санъати ва адабиёти бир-бирига  
яқинлиги билан ажralиб туради. Хусусан, драматик асарлардаги  
образлар ва сюжет тасвиридаги ўхшашлик ҳам бунинг яққол  
мисоли бўла олади. Таҳлилга тортилган драмалардаги  
қаҳрамонларнинг тақдирли, ўй-фикрлари, вазият-холатидаги  
умумийликлар киёсланиши натижасида иккала ҳалқ  
адабиётидаги муштарак жиҳатлар тадқиқ этилди.

**Калит сўзлар:** турк драматургияси; ўзбек драматургияси; киёсий таҳлил; драматик жанр; қаҳрамон; сахна; кабаре театри; адабий таҳлил.

**Аннотация.** В статье в сравнительном аспекте исследуются драматические произведения выдающихся представителей турецкой и узбекской литературы Халдуна Танера и Аскада Мухтора, Улмаса Умарбекова. Даны краткая информация о творческом пути драматургов, а также анализ произведений, раскрывающих их жанровое мастерство. Был сделан сравнительный анализ драм Халдуна Танера «Человек дня» (*Günün Adamı*), «Я закрываю глаза и выполняю свой долг» (*Gözlerimi Kaparım, Vazifemi Yaparım*), «Мельница все еще вращалась» (*Ve Değirmen Dönerdi*), «Посторонние» (*DışarıdaKiler*), с драмами «Самандар» Аскада Мухтора и «Суд» Улмаса Умарбекова. Раскрываются образы и черты характера персонажей в драмах, а также сходство и различия в сюжетных линиях. В статье анализируются затронутые социальные проблемы, отраженные в произведениях вышеуказанных авторов узбекской и турецкой литературы, а также подчёркиваются сходство личных переживаний героев, общность культурных процессов в жизни людей обоих народов. Потому что культура, искусство и литература двух народов близки друг другу. В частности, наглядным примером является схожесть образов в драматических произведениях и сюжетах. В результате сопоставления судеб главных героев анализируемых драм, их мыслей, ситуаций, были подчёркнуты общие черты произведений узбекской и турецкой литературы.

**Ключевые слова:** турецкая драматургия; узбекская драматургия; сравнительный анализ; драматический жанр; герой; сцена; театр кабаре; литературный анализ.

**Abstract.** The article examines the dramatic works of prominent representatives of Turkish and Uzbek literature Khaldun Taner and Askad Mukhtor, Ulmas Umarbekov in a comparative aspect. Brief information about the creative path of playwrights, as well as the analysis of the works, revealing their genre mastery is given. A comparative analysis of Khaldun Taner's dramas "Man of the Day" (*Günün Adamı*), "I close my eyes and do my duty" (*Gözlerimi Kaparım, Vazifemi Yaparım*), "The mill was still spinning" (*Ve Değirmen Dönerdi*), "The Outsiders" (*DışarıdaKiler*), with the dramas "Samandar" by Askad Mukhtor and "The Court" by Ulmas Umarbekov, has been carried out. The images and character traits of the characters in the dramas, as well as the similarities and differences in the plot lines are revealed. The article analyzes the social problems touched upon, reflected in the works of the above mentioned authors in the Uzbek and Turkish literature, and also emphasizes the similarity of the personal experiences of the heroes, the commonality of culture, art and literature in the lives of people of both nations. In particular, in the aspect of a graphic example of dramatic works and subjects. As a result of comparing the fate of the main characters of the analyzed dramas, their thoughts, situations, the common features of the works of Uzbek and Turkish literature were emphasized.

**Keywords:** Turkish theatre; Uzbek theatre; comparative analysis; drama genre; hero; stage; cabaret theatre; literary influence.

XX асрнинг 70-йиларидан эътиборан замонавий турк драматургиясида реалистик анъаналар изчил давом этиши билан бирга янгича шаклий изланишлар ҳам кўзга ташланди. Турк драматургиясида

инсон маънавий олами, дунёқараши ва туйгуларини бадиий акс эттириш тамойиллари янгиланиб, ички оламнинг бадиий талқин этиш тамойиллари илгари сурила бошлади. Образлар ва мавзулар кўламининг янгича талқин этилиши драма жанрининг тараққиётида муҳим аҳамият касб этди. Мазкур мақолада жанр тараққиётига ўз ҳиссасини кўшган ўзбек ёзувчилари Асқад Мухтор ва Ўлмас Умарбеков ҳамда замонавий турк драматургиясининг таникли вакили Ҳалдун Танер драмаларини тадқик этишини мақсад қилдик. Бу адилларнинг услуби ва қаҳрамон яратишдаги ўхшашилик ва яқинлигини киёсий таҳлил асосида ўрганишга ҳаракат қилинди.

Ўзбек драматурглари Асқад Мухтор ва Ўлмас Умарбековнинг драмаларини таҳлил қилишдан аввал уларнинг хаёти ва ижоди ҳақида кисқача маълумот беришни лозим кўрдик. Ўзбек ёзувчиси А. Мухтор — носир, шоир, драматург, моҳир таржимон ва Ўзбекистон халқ шоири. Адаб 1973 йилда “Чинор” романи учун Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлган. А. Мухтор 1920 йил 23 декабрь куни Фарғонада темир йўлчилар оиласида дунёга келган.

У болалигига 11 ёшида етим қолиб, болалар уйида тарбияланади. 1938 йил мактабни тамомлагач, Ўрта Осиё давлат университетига ўқишига топширади. Асқад Мухторнинг Тошкентга кўчиб ўтиши унинг ижодида янги сахифа очилишига сабаб бўлди. У республиканинг марказий нашриётларида бўлим мудири, масъул котиб лавозимларида ишлаган: 1960-1965 йиллар – “Шарқ юлдузи” журнали, 1969 йилдан “Гулистон” журнали бош мухаррири.

1938 йилдан унинг асарлари нашр этила бошлаган.

А. Мухторнинг “Туғилиш” (1961) романида ёшларнинг йирик курилишлардан биридаги иштироки ҳақида ҳикоя қилинади. “Давр менинг тақдиримда” (1964) – икрор-роман бўлиб, унда яратувчи инсон ва курашчи замондош тимсоли гавдаланади. “Қорақалпоқ қиссаси” (1958) ҳамда “Мангаликка даҳлдор” достонларида (1969) Асқад Мухтор тарихий мавзуларга юзланади, қаҳрамонлик характерининг шаклланишини кўрсатади.

У бир қатор адабий-танқидий асарлар муаллифи. Софокл, А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, М. Горький, В. В. Маяковский, А. А. Блок, Т. Г. Шевченко, А. Корнейчук ва бошқаларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган (16, 232).

Асқад Мухтор 1997 йил 17 апрель куни вафот этган.

Ёзувчининг насрдаги ижоди гўё шеъриятининг давомидек туюлади. Шеърларига хос фалсафий ўйчанлик, мушоҳадакорлик, масаланингмоҳияти билан қизиқиши, шафқатсиз реализм ва романтик рух, тасвирдаги аниқлик, метафоризм, символика, заминга яқинлик, сўзлаш тарзидаги сокинлик ва хаёлий парвоз — барчаси насрыйасарларига ҳам кўчиб ўтган. Адабнинг қатор драма ва романлариэнг яхши шеърлари сингари ўзбек адабиётида шакл жиҳатидан ҳамӯзига хос янгилик бўлди. Ижодкорнингдrama ва романлари орқали ўзбек насрининг ифода кўлами кенгайди; адаб ўзбекнасрига мушоҳадаларга бой, романтик жило билан йўғрилган ўзигахос реалистик услубни олиб кирди; реализм асосида миф, афсона, притча-ҳикоялар тажрибасини ўзлаштиришнинг яхши намунасини берди.

Ижодкор ҳақида унинг шогирди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам шундай фикрларни билдиради: “Асқад Мухтор — серкирра ижодкор. Носир сифатидаги фаолияти – Асқад Мухторнинг бир кирраси. Шоир сифатида ҳам жуда гўзал шеърлар ёзганки, бу

унинг иккинчи кирраси. Асқад Мухтор моҳир драматург ва публицист ҳам эди. Бу ижодкорнинг яна бир кирраси. У кишининг таржимонлик, муҳаррирлик ва бошқа фаолият йўналишлари ҳам бор. Айтинг-чи, XXI аср ўзбек китобхони учун Асқад Мухторнинг қай бир кирраси қадрли, аҳамиятли? Бундай савол беришимга сабаб — бальзан Абдулла Каҳхор, Ойбек,Faфур Гулом, шу жумладан, Асқад Мухтор каби серқирра адиблар ижодига баҳо беришда улар яшаган мураккаб давр унутилиб кўйилади...” (12, 49).

Асқад Мухтор драматургиясининг мавзу мундарижаси рангбаранг, қаҳрамонлари хилма-хил. Бироқ асарлари марказида меҳнат мавзуси, замондошлари — XX аср кишилари образи туради.

Асқад Мухтор биринчи бўлиб ишчилар синфи мавзусиникўтарган ёзувчилардан биридир. Муаллиф “Самандар”, “Зар қадри”, “Тонг билан учрашув”, “Яхшиликка яхшилик”, “Мардлик чўққиси” сингари драмалари билан ўзбек адабиётини бойитишга катта хисса қўшди. Асқад Мухтор “Самандар” драмасида ҳақиқий истеъодд эгасининг қувонч ва изтиробларга тўла ҳаётини, бу йўлдаги бაъзи ноҳуши зиддиятлар ҳамда нопок кишиларинг нопок руҳий дунёсини танқид килса, “Зар қадри” тарихий асарида халқ руҳий қудратининг бекиёслиги, унинг ҳаётбахш сарчашмалари ҳақида бадиий мулоҳаза юритади. “Тонг билан учрашув” драмасида эса арзимасдек туюлган хатоликнинг фожиали оқибати натижасида ички зиддиятлар тўлғогида кийналган шахснинг ўз-ўзини топиш жараёни кўрсатилган.

Ўлмас Умарбеков ижоди ҳақида ҳам кисқача маълумот берсак. У 1934 йил 25 январда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1992). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1984). Ўрта Осиё университетининг филология факультетини тутатган (1956). Илк китоби — “Ҳикоялар” (1958). “Хатингни кутаман”, “Юрак сўзлари” (1960), “Бобоёнгок” (1961), “Юлдузлар”, “Менга ишонмайсанми?” (1962), “Ҳаёт абадий” (1964), “Чарос” (1966), “Кўпприк” (1968), “Болгар қўшиклари”, “Олтин япроқлар” (1972), “Қиёмат қарз” (1976, шу ҳикоя асосида сахна асари ҳам бор), “Ер ёнганда” (1993) каби ҳикоя тўпламлари нашр этилган. У “Одам бўлиш қийин” (1970), “Фотима ва Зухра” (1994) романлари ҳамда “Севгим — севгилим” (1963), “Кимнинг ташвиши йўқ” (1965), “Уруш фарзанди” (1972), “Ёз ёмғири” (1973), “Оқ қалдирғоч” (1974) сингари қиссалар муаллифи. Ёзувчининг бир қанча драмалари китобхон ва томошибинлар кўнглидан алоҳида жой олган. Булар “Суд” (1970), “Оқар сувлар” (1971), “Тухмат” (1987), “Оқсоқол” (1991), “Ўзинг учун ўл етим” (1992), “Қиёмат қарз” (1974), “Шошма қўёш” (1977), “Кузнинг биринчи куни” (1979), “Аризасига кўра” (1981). “Қизимга мактублар” (“Мангу ҳаёт бўсағасида”) деб номланган публицистик асари ҳам бор. Ўлмас Умарбеков 1994 йил 10 ноябрда Тошкентда вафот этган. У Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1980).

Оддий журналистикдан иш бошлаган Ўлмас Умарбеков бу йиллар давомида республика радиосида муҳаррир, бош муҳаррир бўлиб ишлади. 1971–1974 йилларда эса Узкомпартия Марказқўумида аввал маданият бўлимида инструктор, сўнг радио, телевидение секторининг мудири бўлиб хизмат қилди. Кариб ўн йилга яқин “Ўзбекфильм”га бошчилик қилди. 1982 йилга келиб, Ўзбекистон маданият вазирининг ўринбосари, кейинроқ вазир бўлиб фаолият кўрсатди. Кўп ўтмай у Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасига раис (1985) этиб сайланди. Айни чоғда Осиё ва Африка ёзувчиларининг бирдамлик кўмитасининг раиси, Ўзбекистон республикаси Олий Кенгаши ноиби

этиб сайланди. Ниҳоят, 1989–1991 йилларда у Республика Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари бўлиб ишлади.

У қайси жабҳада, нима ишда ишламасин, ижоднинг қайси турида, қайси мавзууда асар яратмасин, ҳамиша ўз эли, юрти ғами билан яшади. Улар елкасидаги турмуш юкини енгиллаштиришга интилди. Айниқса, бадиий асарларида хоҳ у ҳикоя, хоҳ қисса ёки роман бўладими, хоҳ саҳна асари бўладими, ҳамма-ҳаммасида инсонлардаги маънавий-ахлоқий фазилатларни ардоклашга, улуғлашга интилиб келди, ҳалқ ёзувчиси даражасига кўтарилиди. Бу ҳар бир ижодкор учун катта баҳт, ҳаёт ва ижод олдидаги мақсади ҳамdir. Ўлмас Умарбеков ҳам шундай баҳт қуши қўнгандардан биридир.

Турк драматурги Ҳалдун Танер ҳам ўзбек драматурглари Аскад Мухтор ва Ўлмас Умарбековлар сингари жуда серкирра санъаткор. У уста ҳикоянавис, моҳир публицист ва танқидчидир. Лекин уни дунёга танитган асарлари, бу эпик драмалари ва кабаре театридир. “Бертольд Брехтнинг издоши бўлган Ҳалдун Танер илк бор унинг эпик театри анъаналарини турк миллий театрига татбиқ этди (“Keşanlı Ali Destani” ва “Gözlerimi Kaparım Vazifemi Yararım” пьесаси) (18, 21), — деб таъкидлайди рус олимни Л. Н. Старостов. Драматургнинг “Keşanlı Ali Destani” (“Кешанлик Али достони”), “Gözlerimi Kaparım Vazifemi Yararım” (“Қўзларимни юмиб, вазифамни адо этаман”, 1964), “Zilli Zarife” (“Шаддод Зарифа”, 1966), “Sersem Kocanın Kurnaz Karısı” (“Бефаросат эрнинг айёр хотини”, 1971), “Ayışığında Şamata” (“Ой нуридаги шовқин”, 1977) сингари пьесалари дунё томошабинлари қўнглидан жой олган.

Ҳалдун Танер ва кабаре театри хусусида Т. Шевченко номли Киев миллий университети туркология кафедраси доценти И. В. Прушковская шундай фикр юритади: “Миллий театр ва замонавий дунё драматургиясининг уйғунлашуви турк драматургиясида сиёсий драма жанриинг юзага келиш спецификасини белгилайди. XX асрнинг 60-йилларида Ҳалдун Танер бошчилигига “Туяқуш” номли кабаре театрига асос солинди. Бу театрда янги жанрдаги пьесалар саҳналаштирилар эди: шаклан — ҳалқ ўйини, мазмунан — сиёсий ва ижтимоий воқеликдаги унсурлар устидан аччик кулиш. Шу тариқа 60-йилларда Бертольд Брехтнинг “эпик театр” назарияси ва янги театр шаклларини излаш турк драматургларининг ҳалқ драмаси анъаналарига қизиқишини кучайтирди” (15, 29).

Кабаре учун ёзилган пьесалар орасида энг машҳури “Vatan Kurtaran Şaban” (“Ватанни кутқарган Шабан”, 1967) асари ҳисобланади. Илк бор 1 октябрь 1967 йилда Четин Ипеккай томонидан саҳналаштирилган бу мусикий пьеса яна тўрт юз қирқ тўққиз марта саҳна юзини кўрган. Шунинг учун ҳам бу асар турк томошабинлари онгига кабаре пьесаларининг энг ёрқин намунаси сифатида гавдаланади.

1950 йиллар Туркияда сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар оғир кечгани, бунга параллел равишда адабиётда ҳам ўтмиш билан ҳисоблашиш, Ғарб таъсири остида янгиланиш жараёни кузатилади. Ҳалдун Танер асарларида ижтимоий ўзгаришларга ҳам катта аҳамият қаратган. Ижодкор ижтимоий, сиёсий, иқтисодий қонунларга параллел тарзда ўзгарган турк жамиятининг ҳолатини акс эттиради. Ёзувчи бу ўзгаришнинг турк жамиятида юзага келтирган турли салбий ҳолатлари ҳақида маълумот беради. Ғарб маданияти ва санъатининг бундай ўзгаришни қандай ўтган, деган саволга жавоб қидиради ва бу ўзгариш аносисида оқсаган жиҳатларни ҳажвий йўл билан танқид қиласади.

Драмаларида ижтимоий ўзгаришнинг маънавий томонини оғриқли нуқта сифатида акс эттиради.

Ҳалдун Танернинг ижоддаги ютуғи ғайритабиий вазиятларни, воқеаларни ва инсонларни тасвирлашда эмас, балки кичик инсонлар ҳаётини акс эттиришдадир. У ҳикоя қўлмоқчи бўлган мавзуни инсонга аҳамият қаратмагандек ҳолатда ҳикоя жараёнида шундай ўзгариш ясайдики, худди китобхон ёзувчи шахсиятини унтиб воқеалар ичига шўнгигб кетади.

Ҳалдун Танер турк театрига танқид қилувчи ақл ва хур фикрлашни олиб кирган инсондир. Унинг асарларини ўқиган ҳар бир киши, асар қаҳрамонларида ўзини танқид қилади. Ўзини фикрлашга, фикрларидан маъно чиқаришга ва чиқарган маъно орқали тўғри йўл танлашга интилади. Ҳалдун Танер қаҳрамонларининг ички дунёсини, рухиятини моҳирлик билан тасвирлайди. Баъзан уларнинг устидан кулади, баъзан уларга жуда ачинади. Ҳар икки ҳолатда ҳам асарлари орқали, етишиб келаётган ёш авлодни тарбиялашга ҳаракат қилади (13, 254).

“Танер пьесаларида коррупция, урбанизация, танқид, алдамчилик ва низолар мавзууси биринчи ўринга чиқди. Театр саҳнасида драматик асарлар билан кириб келган Танер эпик театр билан давом этди ва кабаре театри билан адабиётимизда янги поғоналарни очди. Театрларида ҳазил ва кинояни ҳам биринчи ўринга қўйган муаллиф жамиятимиз муаммоларини киноя билан тилга олади. Асарларида тарихдан узоқлашмаган бу муаллифнинг барча саъй-харакатлари ўзи яшाइтган мамлакат демократиясига ўз ҳиссасини қўшишдир”, — деб таъкидлайди Ҳалил Адияман (1, 4).

Ҳалдун Танер ўз асарларида ўзбек ҳалқига жуда яқин бўлган, ҳалқнинг тушуниши осон бўлган, қўйидаги масалаларни ва фикрларни баён қилган:

- шахснинг жамиятдаги яшаш ва кураш тарзлари;
- жамиятдаги камчилик ва нуқсонларни мизаҳ (сатира) усулидан фойдаланиб тушунтириш;
- эски дунё ва янги дунё яшаш тарзида аросатда қолган кишиларни танқид қилиш;
- “кўрмаганинг кўргани курсин” зайдида кун кўрувчи инсонларни танқид қилиш;
- жамиятдаги турли табақага оид инсонлардан танлаб олинган инсонларнинг иккюзламачилик, товламачиликларини очиб бериш.

Одатда, ҳар бир асарнинг асосий мазмуни ва гояси асосан бош қаҳрамоннинг қиёфасида мужассамлашади. Асқад Мухтор ва Ўлмас Умарбеков ҳамда Ҳалдун Танер саҳна асарларидағи бош қаҳрамонлар ҳам муштарак мазмун, муштарак гоя асосида туғилгани кўринади. Қаҳрамонлар руҳиятида кечаётган ички кечинмалар тасвири бир-бирига ўхшаш қиёфаларда намоён бўлади. Хусусан, Асқад Мухтор ҳамда Ҳалдун Танер ижодида ҳам раҳбар ходим образининг ёрқин тасвири акс эттирилади. Асарлarda муаллифлар юқори мансабдаги шахс образининг характерига хос хусусиятларни секин-асталик билан ёритиб борадилар. Айтмоқчи бўлган фикрларини бу образ воситасида ифодалайдилар. Раҳбар образининг ички қиёфаси ўзбек ёзувчиси Асқад Мухторнинг “Самандар” номли саккиз пардали пьесасида бош қаҳрамон Самандар Саидов образи орқалиочиб берилган. Қаҳрамон — жуда катта заводнинг директори, ўз ишининг устаси, олим, ўта маъсұлиятли, фидойи, инсонпарвар, оиласпарвар шахс сифатида акс эттирилган. Асарда Самандарнинг болаликдан бирга бўлган синфдош

дўсти, айни пайтда ўринбосари Ҳамдамов ҳасад ва хусумати туфайли узоқ йиллар давомида унга зимдан қарши бўлиб, оёғига болта уриб келади: тухмат қилиб қаматади, севгилисидан ажралишига сабаб бўлади, орқасидан иш қилиб, лавозимдан четлаттирилишига ва сал қолса, давлат бюджетидан жуда катта миқдордаги пулнинг бехуда сарфланганликда айбланиб, яна жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади. Ҳатто ўзи ўзлаштирган пул маблағларини ҳам директорнинг номига ёздиради. Аммо ҳақиқат қарор топиб, Самандарнинг ихтироси жаҳон миқёсида тан олингач, унинг севгилиси райком бошлиги Марям Москвада вазир хузурига кириб, буни исботлагач, ҳамма нарса ўз ўрнига тушади.

Худди шундай раҳбар образининг қиёфаси турк ёзувчиси Ҳ. Танернинг “Кун одами” (“Günün Adamı”) номли тўрт пардали илк драмасида кўзга ташланади. Ёзувчи драмани зиёли, масъулиятли, виждонли, ҳалол инсон профессорнинг муҳолиф партия депутатлиги номзодлигига қўйилиб, сўнг эса вазирлик лавозимини эгаллаганлиги баёнидан бошлайди. Профессорнинг бу лавозимни эгаллашини унинг ассистенти доцент истамайди ва доим унга қаршилик қилиб келади. Профессорнинг оила аъзолари килган хатолар туфайли доцент профессорни шантаж қилиб келади. Атрофидагиларни унга қарши қўяди. Профессор ўз ишига доим вижданан ҳалоллик билан ёндашишга ҳаракат қиласди, уруг-аймоқчилик ва таниш-билишчиликдан йирок бўлади. Билим одами сиёsatда ўта қийналади ва охири ҳаётiga қасд этишга қарор қиласди. Бахтига бу воқеа содир бўлмайди.

Кўриниб турибдики, иккала драмада ҳам раҳбар образи ҳалол, билимли, матонатли, ўз ишига масъулиятли шахс сифатида талқин этилади. Бошига қулфат тушганда, атрофидагилари хиёнат қилганда, душманларининг уларга қарши қилган ҳаракатларига бардош бериб, тўғри йўлдан асло адашмайдилар.

Асқад Мухторнинг “Самандар” драмасидаги сингари икки болаликдан бирга ўсган шахснинг ўзаро қарама-қарши қўйилиши Ҳалдун Танернинг “Кўзларимни юмид, вазифamни адо этаман” (“Gözlerimi Kaparım, Vazifemi Yararım”) номли пьесасида ҳам кўриш мумкин. Бу асарда Вижданни ва Эфруз образларининг ҳаётини узоқ давр мобайнида қиёсланади, айёр ва устамон Эфруз доим осонлик билан ноқонуний йўллар-ла муваффакиятга эришса, соддадил Вижданни ҳаётда кўп қийинчиликларни бошидан ўтказади. Буни куйидаги сұхбат парчасидан ҳам билиш мумкин:

*Vicdani: Demek artık yurduna mecliste hizmet edeceksin. Bravo.*

*Efruz: Hayır Vicdani. Hakkında on iki icra, dokuz haciz, iki tevkif kararı vardi, şirketin hesaplarında. Sırf dokunmasınlar diye mebus oldum (6,86).*

Адабиётшунос Шара Сайнин Танер драмасидаги Вижданни ва Эфруз образларига шундай баҳо беради: “Gözlerimi Kaparım, Vazifemi Yararım” adlı oyununda Haldun Taner, özgür düşünmenin gereksizliğine inandırılmış, kendisine gelenek ve tek doğru olarak sunulan ‘kalıp’ların baskısıyla yaşayan “uysal delikanlı”, “örnek talebe”, “model vatandaş” VİCDANI tipini oluşturur. Vicdan ve düşümme özgürlüğünden yoksun, birey olmaktan uzak Vicdani’lerin edilgenlikleri beslendiği sürece, çıkışıcı Efruz’ların ne denli güçlenebileceklerini bir yandan gülerken öte yandan içimiz burkularak izleriz” (3, 29).

Иккала асарда ҳам ўзаро қарама-қарши қўйилган образларнинг бир-бирига тухмат қилиб, қамалишига сабаб бўлганини кўришимиз мумкин.

“Самандар”да Самандар ва Ҳамдамовнинг бош қаҳрамон оғир вазиятга тушган вақтидаги сұхбатида Ҳамдамовнинг нақадар тубан эканлиги намоён бўлади:

Самандар: Комиссия мени қидирса, сизнинг нима ишингиз бор, Ҳамдамов? Умуман, сиз бир умр менинг атрофимда ўралашдингиз, орқамдан худди соядек судралиб юрибсиз, нима керак сизга?

Ҳамдамов: (*ўзидан мамнун, жилмайиб, у ёқдан бу ёққа юради*). Менга нимаики керак бўлса, ҳаммасига эришдим: мана сен ётибсан, мен тепангда турибман.

Самандар: Менга қара, сен Сольери бўлолмайсан, чунки мен Моцарт эмасман. Гапнинг лўндасини гапир, нима керак?

Ҳамдамов: Лўндаси шуки, мен сени, ўша мактабда ўқиб юрган пайтимизда, болалигимиздаёқ ёмон қўрар эдим. Омадинг бор эди, яхши ўқир эдинг, муаллимлар сени эркалатар, қизлар бўлса, атрофингда гирдикапалак эди. Менга алам қиласр эди. Алам кемирди мени, тушунасанми? Ҳар қадамда оёғингдан чалсам дер эдим... Сен бор жойда олам тор эди. Кейин мен... Мен сени қаматтим. Мен сени Марямдан жудо килдим. Лекин сен ҳар сафар қалқиб чиқавердинг. Мен ҳам чарчамадим. Мана, ахири, тепангда турибман! Сен тугагансан, Самандар! Мен эса — баҳтиёрман!

Иккала драма ҳам қаҳрамонларнинг ҳаётининг узоқ даврини акс эттиради: болаликдан етукликка қадар (Самандар асарда 50 ёш деб келтирилган).

Шунингдек, Ҳалдун Танер ижодида асосий мавзулардан бири ижтимоий мавзу бўлиб, бир қанча драмаларида оиласи муносабатларакс эттирилган. Бундай драмалари орасида “Тегирмон ҳамон айланар эди” (“Ve Değirmen Dönerdi”)номли уч пардали асари машхур. Асар сюjetи Кушат исмли рассом йигитнинг Фестекизлар оиласига ичкуёв бўлиши билан бошланади.

*Ve Değirmen Dönerdi* alışılmış, tekdüze, yavan düzeni içinde Festekiz ailesinin kentsoylu yakasına, öteki yakadan ressam Küşat bir evlenme ile içgüveyi gelir. O da Festekizlere döner. Maddi durumu düzelmış, ama sanatı, yaratıcılığı kurumuştur. Yeniden kendi yakasına dönmek için bir çaba gösterirse de Festekizliği üzerinden atamaz; bu, artık sanatına sinmiştir. Yarışmayı kazanamaz; canına kıyar (2, 537).

Фахрунниса ва Кушат бу оиласининг уйига кўчиб келганига олти ой бўлганди. Кушат Фестекизлар оиласига ҳар жиҳатдан ўхшаш бўлишини бошлайди, чунки у бу оиласининг ичкуёви сифатида оиласининг барча ғалати анъана ва қоидаларига бўйсунишга мажбур. У энди аввалгидай расм чизмайди. У рассомлигини қилиш учун жой қидиради, лекин расм чиза олмайди.

Бир куни дўсти Азат Кушатнинг олдига ташриф буюрганида, бир кўрик-танлов ҳақида гап очади. Кўрик-танловга озгина вақт колгани сабабли Кушат ҳавотирга тушади.

Воқеалар ривожи шу танловга тайёргарлик билан давом этади. Кушат ниҳоят ўзига расм чизиш учун жой, яъни Фестекизлар оиласи учун хосиятсиз ҳисобланган тегирмонни танлайди. Танлов учун расм чизади, лекин голиб бўла олмайди. Тегирмонга унинг олдига тез-тез эски дўстлари келиб туришади. Улар орасида Серап исмли қиз ҳам бўлади. Бир қанча вақтдан сўнг Кушат уни севиб қолиб, уйланишга қарор қиласди. Аммо Серап бир вақтнинг ўзида ҳам Кушатга, ҳам Азатга умид бағишлийди.

Мусобақадаги маглубият Кушатнинг Серап ва Азат ўртасидаги муносабатларнинг бузилиши ва конфликтга сабаб бўлади. Азат Фахрунисанинг қилмишларини ошкор қилгач, Кушат Фахруннисадан ҳам ҳафсаласи пир бўлиб, ўз жонига қасд қилишга қарор қиласди. Фестекизлар оиласи вақтида етиб келиб, Кушатнинг ҳаётини сақлаб қоладилар.

Асарда санъат одами бўлган Кушатнинг сезимларида оилавий муаммолари туфайли рўй бераётган ички руҳий фалаёнлар ташқаридан сезилмайди, аммо персонаж хиссиётини мувозанатдан чиқариб, унга тинчлик бермайди. Ақл билан билиш, тил билан шарҳлаш қийин бўлган бу жараённинг мунтазам давом этиши кишини ҳаёт ё мамотдан бирини танлашга мажбур қиласди. Натижада Кушат оилавий можаролар таъсирида санъатдан ҳам йироқлашиб, доимий безовталик қаҳрамон вужудини чулғаб олади. Собиқ севгилиси Серап билан муносабатларни тиклашга ҳаракатлари зое кетади.

Асар бахтли якун билан якунланди, Фахрунниса ва Кушат Фестекизлар оиласида яшашга қарор қилишади.

Шунга ўхшаган ижтимоий мавзунинг ёритилишини ўзбек ёзувчиси Ўлмас Умарбековнинг “Суд” номли икки пардали драмасида ҳам кўришимиз мумкин. Асарнинг бош қаҳрамони Шуҳрат Қосимов суд залида 17 ёшли таниши Замира Муродованинг қотиллигига айбланмоқда.

Шуҳрат 7 ёшида етим қолиб, болалар уйида тарбияланади. Мактабни тугатгач, уни отасининг дўсти академик У. Толипов ўз тарбиясига олади, таълим беради, ишга олади. У. Толипов Шуҳратнинг қизи Раҳима билан тақдирини бирлаштироқчи бўлиб, розилигини сўраганда, йигит ҳурмат ва қарздорлик ҳисси туфайли рози бўлади. Ваҳоланки, унинг қалбида болалар уйида бирга улгайган Мухаббатнинг севгиси бор эди. Мухаббат ҳам Шуҳратга аччиқ қилиб, бошқасига турмушга чиқиб, ажралишиб ҳам олади. Мухаббат узоқ сафарга кетиш олдидан Шуҳрат билан сўнгти бор кўришиш мақсадида уни учрашувга чакирган кечада Замира исмли таниш қизининг қотиллиги содир бўлади. Тасодифан қиз билан ўлими олдидан учрашган Шуҳратга айб тушиб, хибсга олинади. Лекин судда хотини, қайнотаси олдидида ўша масъум кечада қаерда бўлганлигини айтиб, ўзини оқлай олмайди. Оила қадрияти, ор-номус устунлик қиласди. Асар сўнгига воеалардан хабар топган Мухаббат судда гувоҳлик бериб, Шуҳратнинг айбсизлиги исботланади.

Иккала асарда ҳам хотинининг оиласига қарам бўлган эркакнинг руҳий кечинмалари, ички фалаёнлари акс эттирилади. Бу образлар оилавий бахтни тўлаконли туйиб яшамайдилар. Кўнглиниг тубида қайнотаси олдидаги қарздорлик ва собиқ севгилисига мухаббат ётади. Гўё булар ноиложликдан турмуш кургандек. Лекин иккала асар сўнгига ҳам қаҳрамонлар оиласидан воз кечмайди.

Хусусан, Ҳ. Танернинг бошқа драмаларида ҳам ўзбек драматурглари қаҳрамонлари сингари руҳий кечинмалар, хаёллар босимида тасвиrlанган қаҳрамонлар кузатилади.

Турк ва ўзбек халқининг ижтимоий ҳаётидаги нуқсонлардан, бойликнинг инсон баҳти ва мухаббатидан устун қўйилишини танқид остига олишни Танер драмалари ва ўзбек драмаларида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, Танернинг “Ташқаридагилар” асарида Юмни амакининг набираси Айнурнинг бойлик эвазига севмаган кишиисига турмушга беришни хоҳлаган поччаси Нежати қоралангани сингари, Ўлмас Умарбековнинг “Суд” номли асарида 17 ёшли Замирининг

онаси қўшнисининг гапига кириб, ўзи ҳатто танимайдиган топармон-тутармон савдогар йигитга узатмоқчи бўлгани асарда қизнинг фожеаси билан тугайди.

Х. Танернинг Б. Брехт анъаналарига кўра ёзилган эпик драмаларининг асосий мавзуси мамлакатда мавжуд сиёсий тузумни танқид остига олиш, аччиқ кулгуга асосланган траги-комедиялар ҳисобланади. Буларга “Эшакнинг сояси”, “Кўзларимни юмиб, вазифамни адо этаман”, “Кешанлик Али достони”, “Ватанин кутқарган Шабан” каби саҳна асарларини киритиш мумкин. Бундай танқидни ўзбек драматурги Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” асарида кўришимиз мумкин.

Кўринадики, Танернинг дастлабки драмаларидаги реал ҳаёт тасвири кейинги асарларида тараққий топиб борди. Ҳаётда эзилган, чорасиз, турли келишмовчиликлар туфайли ёлғиз қолган ва одамларга бегоналашиб бораётган, мақсадсиз ва тушкун кайфиятли қаҳрамонлар ёзувчининг ўша даврлардаги руҳий ҳолатини акс эттирган.

Умуман олганда, замонавий ўзбек ва туркдраматургиясида инсон қалби, онг-у шуури, руҳий ҳолатига оддий ҳодиса сифатида қаралмайди. Инсон қалбидаги улкан орзу-истакларни, ундаги ўтмиш ва бугунни драматик жанр мөхиятида акс эттириш, қалбдаги кучли ҳис-ҳаяжонларни бир лаҳзалик лавҳада ифодалаш эса ҳамма ёзувчидаги ҳам бирдек кўринмайди. Бу эса драма ижодкорларидан жуда катта тажриба ва маҳорат талаб этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўзбек ва турк адабиётида акс этган турли мавзулар, кўтарилган ижтимоий муаммолар, инсон қалбидаги кечинмалар, халқ ҳаётидаги ижтимоий-маданий жараёнлар иккала миллатда ҳам муштарақдир. Чунки иккала халқ маданияти, санъати ва адабиёти бир-бирига яқинлиги билан ажralиб туради. Хусусан, драматик асарлардаги образлар ва сюжет тасвиридаги ўхшашлик ҳам бунинг яққол мисоли бўла олади. Таҳлилга тортилган драмалардаги қаҳрамонларнинг тақдири, ўй-фиқрлари, вазият-ҳолатидаги умумийликлар қиёсланиши натижасида иккала халқ адабиётидаги муштарақ жиҳатлар тадқиқ этилди. Драматурглар услубидаги ўзига хосликларнинг яқинлиги ҳам кашф этилди. Жумладан, бугунги кунда иккала халқнинг дўстона муносабатлари, адабий алоқалари кенгайиб бормоқда. Бу борада келажакда адабий алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида ижодкорлар асарларини кенг тарғиб этиш, муштарақ жиҳатларини ўрганиш мухим аҳамият касб этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Adiyaman, Halil,Haldun Taner Hayatı, Sanatı ve Eserleri. Doktora Tezi. Ankara Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Türk Dili ve Edebiyatı Anabilim Dalı Yeni Türk Edebiyatı Bilim Dalı, Ankara, 2012. 419 s.
2. And, Metin, Cumhuriyet Dönemi Türk Tiyatrosu (1923-1983), Türkiye İş Bankası Kültür Yayınları, Ankara, 1983, 708 s.
3. Sayın, Şârâ, “Haldun Taner ve Hoşgörü”, Milliyet Sanat, 145, 1 Haziran; 1986, s.29.
4. Taner, Haldun, Dışardakiler, Bilgi Yayınevi, Ankara, 1990,160 s.
5. Taner, Haldun, Eşeğin Gölgesi, Bilgi Yayınevi, Ankara, 1995, 104 s.
6. Taner,Haldun, Gözlerimi Kaparım Vazifemi Yaparım, Cem Yayınevi, İstanbul, 1979,160 s.
7. Taner, Haldun, Günün Adamı, Necdet Sander Yayınları, İstanbul, 1953, 160 s.

8. Taner, Haldun, Keşanlı Ali Destanı, Bilgi Yay., Ankara, 1989a, 1964, 159 s.
9. Taner, Haldun, Vatan Kurtaran Şaban, Bilgi Yayınevi, Ankara, 1989, 106 s.
10. Taner, Haldun, Ve Değirmen Dönerdi, Bilgi Yayınevi, Ankara, 1991, 156 s.
11. Yüksel, Ayşegül, Haldun Taner Tiyatrosu, Bilgi Yay., Ankara, 1986a, 232 s.
12. Ҳасанова Б., Танти кўнгилнинг ўқинчлари // Ёшлиқ, 2017, 4-сон, Б.49.
13. Елўқ С., Кенжава П. Кутимаган мәҳмон. — Тошкент: Akademnashr, 2011. — 320 б.
14. Мухтор Аскад. Тонг билан учрашув. — Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. — 326 б.
15. Прушковская И.В. История развития турецкой авторской драмы (Республиканский период до 1980 г.). — Киев: Киевский национальный университет имени Тараса Шевченко, 2014. — С. 29–32.
16. Мирвалиев С., Шокирова Р. Ўзбек адаблари. — Тошкент: Faafur Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2016. — 232 б.
17. Умарбеков Ўлмас. Сайланма. Учинчи жилд. Драмалар. Қиссалар. — Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. — 319 б.
18. Халдун Танер. Избранное. Новеллы и публицистика. Пер. с тур. Л.Н.Старостова. — М.: Главная редакция восточной литературы издательства «Наука», 1984. — 288 с.

### References

1. Adiyaman, Khalil, *Haldun Taner Hayati, Sanati ve Eserleri. Doktora Tezi* (Haldun Taner Life, Art and Works), Doctoral Thesis, Ankara University, Ankara, 2012, 419 p.
2. And, Metin, *Cumhuriyet Dönemi Türk Tiyatrosu (1923-1983)* (Republican Period Turkish Theater(1923-1983)), Cultural Publications of Turkish Ish Bank, Ankara, 1983b, 708 p.
3. Hasanova B., *Yoshlik*, 2017, No. 4, p.49.
4. Khaldun Taner. Favorites. Novels and journalism, Moscow, The main edition of oriental literature of the publishing house "Nauka", 1984, 288 p.
5. Mukhtor Askad. *Tong bilan uchrashuv* (Meeting with the morning), Tashkent: Gulom Publishing House of Literature and Art, 1987, 326 p.
6. Prushkovskaya I.V. The history of the development of the Turkish author's drama (Republican period until 1980), Kiev, Taras Shevchenko National University of Kiev, 2014, pp. 29-32.
7. Mirvaliev S., Shokirova R.. Uzbek writers. Gafur Gulom Publishing House of Literature and Art. Tashkent-2016, 232 p.
8. Sayin, Sharar, *Haldun Taner ve Hoşgörü* (Khaldun Taner and Tolerance), Milliyet Art, 145, June of 1; 1986, p. 29.
9. Taner, Haldun, *Eşeğin Gölgesi* (Donkey's Shadow), Bilgi Publications, Ankara, 1995, 109 p.
10. Taner, Khaldun, *Dişardakiler* (Outside People), Bilgi Publications, Ankara, 1990, 160 p.
11. Taner, Khaldun, *Gözlerimi Kaparım Vazifemi Yaparım* (I Close My Eyes, I Do My Duty), Cem Publications, İstanbul, 1979, 160 p.
12. Taner, Khaldun, *Günün Adamı* (Man of the Day), Necdet Sander Publications, İstanbul, 1953, 160 p.

- 13.Taner, Khaldun, *Keşanlı Ali Destani* (Ballad of Ali from Keshan), Bilgi Publications, Ankara, 1989a, 1964, 159 p.
- 14.Taner, Khaldun, *Vatan Kurtaran Şaban* (Shaban, the Savior of the Homeland), Bilgi Publications, Ankara, 1989, 106 p.
- 15.Taner, Khaldun, *Ve Değirmen Dönerdi* (And the mill was turning), Bilgi Publications, Ankara, 1991, 156 p.
- 16.Umarbekov Ulmas. *Сайланма. Учинчи жилд. Драмалар. Қиссалар.* (Selection. The third volume. Dramas. Stories), Tashkent: Gulom Publishing House of Literature and Art, 1985, 319 p.
- 17.Yelo'q S., Kenjaeva P. An unexpected guest, Tashkent, Akademnashr, 2011, 318 p.
- 18.Yuksel, Ayshegul, *Haldun Taner Tiyatrosu* (Haldun Taner Theater), Bilgi Publications, Ankara, 1986, 232 p.